



КОРИЖЛИКЛАР — ТАЊБУР ШИНАВАНДАСИ

Тикланиш ва санъат

ЭЪТИРОФ ЗИКРИДА

«Дунёда таниқли эстрада юлдузларидан бири Абрам Толмасов Турғун ака Алиматов санъати ҳақида бир фикрини айтиди, залда бу рол сўзининг зақидан ҳамма таъсирлиниб қарсақ чалиб юборди, — дейди ҳамкасбимиз Гулчехра Умарова. — У шундай мулоҳаза билдирди: «Сиз Турғун Алиматов куй чалапти дейсиз. У худо билан гаплашади /«Он разговаривает с Богом»/. Қаранг, дунё бизнинг асл санъатимизни қанчалар қадрлаб сўз айтади».

Француз томошобинлари кўп минг кишилик залда Турғун Алиматов, Абдулаҳад Абдурашидовни икки соатга яқин саҳнадан кўймай, куйларини тинглашган. Бирор рақс, кўшиқларсиз ёки оркестрсиз яқна асбобда Европа томошобинини шунча муддат «ушлаб туриш» ҳайратланарли! Беихтиёр «биз ўз санъатимиз кудратини биллавермаган эканмиз-да. Хорижликлар биздан мана нимани кутади?!» деган ўйлар кечди кўнглидан, — дейди таниқли ҳофиз Улмас Саиджонов.

— Бир пайтлар шундай воқеа бўлган, — деб эслайди таниқли санъаткор Абдулаҳад Абдурашидов. — Сафар олдида концерт дастурларини кўздан кечирувчи мутасаддилардан бири дастурни кўриб чиқди. Ун дақиқада чалинади «Чўли ирок», узок фурсат ижро қилинади танбур куйларини эшити: «Ахир Европа бўйлаб кетясишлар, камайтиришлар бунақа «умерауший»ларни 2-3 минутдан ошмасин, минутавайсини кўпайтириш» деди у. Европа бўйлаб эса аввал биз кимтиниб саҳна ортда ортдан-ортга ўтганимизда муҳлислар талаби билан бизни излаб қолишган, шунда соатлаб ўлмас, боқий ўзбекча куйларимиздан ижро қилиб, олқишлар олиб қайтган эдик.



Санъаткор Турғун Алиматов билан радиода суҳбат берилётган эди. У киши суҳбат орасида деди: «Хорижликлар бизни бир-икки эшитганидан кейин мени яна ўз юртимизга ҳалигача кўп бор таклиф қилишади. Бир кун ҳамкасблар «Улар нимага фақат сизни концерт беришга таклиф қиладилар ёки у ёқларда ўзбеклар кўпми?» деб сўраб қолишди. Мен аския аралаш «аксинча, биттаям ўзбек йўқ экан, шунинг учун мени ўзбек деб кўрган чакиршипти» деб ҳазил жавоб қилдим». Уста санъаткоримиз гарчи бу ҳазилнинг изоҳини келтирмаган бўлса-да, менга ушбу сўзлар «у ёқларда ўзбекча айтувчию чалувчи созандалар йўқлиги учун бошқа санъатлардан баҳраманд бўлишганидек, ўзбекча тинглагилари бор. Улар бизнинг асл миллий санъатимизни севадилар ва эшитгилари келди. Хорижликларга Ўзбекистондан деса дегулик — бизни билдириб турадиган ҳақиқий ўзбекча ижролар керак. Улар бу санъатнинг бебаҳолиги, юксаклигини англайдилар, фарқиға етадилар ва қадрлайдилар» дегандай бўлиб туюлди.

Назаримда, санъатнинг миллияти бўлмайдиган деган ибора фақат санъатни тушуниш, хис қилиш, ундан зақ ола билиш маъносидангина айтилган. Яъни бу иборанинг миллийлиги инкор қилинади, санъат таржимасиз ҳам тушунилади, қалбга ета билди деганидир. Шу жиҳатдан ўйлаб қаралса, Ватанни танитиш учун нақадар осон ва бебаҳо имконият гоат қадри эканлигини, унга интилом зарурлигини англайсиз. Ватан қиёфасини, ўзлигини бирор таржимасиз, воситасиз ўзгалар шурида гавдалантира билиш фақат оҳангдан Ватан тарафатини чинакам миллий санъатга хос мўъжиза, яратганнинг илоҳий инъомидир. Умумибашарий санъатлар ҳазинаси ана шундай ўзлиги — аслиги бор жаҳоирларгагина санъатдан жой беради, қоришқлардан холи жаҳоирларга. «Чўли ирок» ёки «Лағзи» оҳанглариде, дейлик, Японияни, Мисрми акс этган эмас, Америка ёки Италия тинсоли ҳам йўқ (худди уларнинг куй-айтимлариде бошқа юрт ифодаланмаганидек). Бизнинг бу айтимларни заминнинг исталган иклимида ижро қилиб, у ерда Ўзбекистонни суратлантириш, юртимизнинг маънавий тасавурини бир қўшиқлик фурсатда пайдо қилиш мумкин. Турғун Алиматов, Улмас Саиджонов, Муножот Йўлчиева каби таниқли санъаткорларимиз хориж юртларда сафар чоғи бундай бахтиёрликка кўп бор муассар бўлганлар. Куйларики шундай

сеҳрли ва фақат шу ўлка толеида бўлса, бу диёрнинг ўзи, кишилари қандай экан, деб Ўзбекистонни бир кўргиси келар, танбур наволарини тинглаган хорижлик шинавандаларнинг. Хар бир миллиятнинг санъаткори ўзи, қалби, санъати билан бирга Ватанини ана шундай олиб юра биледи. Ватан эса фақат асл санъатда суратланади, эшитганлар бизнинг куй-айтимлардан бетақдор бир маънавий қиёфа тасавур қиладилар ва уни Ўзбекистон дейдилар. Бундай асл қиёфа, Ватан руҳи айтимда асли мавжудлиги учун ҳам тасавур қилинади ва бу юксак иқтидор, «худо берган» талант билан боғлиқ ҳодиса бўлса ажабмас.

Гарчи ишқ мавзусида бўлса-да, дейлик, Жо Д'эссеннинг кўшиқлари шуурингизни Франция тасавурига чулғайди. Тото Кутуно хонишларида Италияни хаёлан саёҳат қиласиз... Бундай таассурот беролмайдиган, миллийликдан йироқ хар қандай «санъат» тушуниқсиздир, чунки унда тушундиган нарсанинг ўзи йўқ, бундай ўткинчи «санъат» таъбир жоиз бўлса, руҳиятсиз робот болакайга ўхшаб кетар. Бу «болакай» хар қанча «тўполон-шўхликлар» қилмасин, дунёвий ҳазиналар сирли қалитини унга ўйинчоқликка узатмайди, сирлиликка туради, жаҳоир қалбчи соҳибини кутади. Балки у қайсибир кишлоқда ариқ бўйларида чоққиллаб куйлаб юргандир,

уй тўрида гиламга осиглик турган танбур пардаларига бармоқчаларини текизиб, оҳангига махлиб бўлиб уни катталардай чалиш иштиёқида бетақат бўлар. Танбур ёнидаги доирани мурғак юрагиди «гуп»иллатиб хуморини ёзар балки... Бу «гупилла»лар илоҳий бир тарзда ҳазинага ҳам эшитилса не ажаб, жаҳоирлар хилмайиб кўяди... Муганнийлик, мутриб-

хам, — деган эди бир суҳбатда бир машҳур ҳофиз, — маромига етказиб куйлаб билгани хорижликлар жуда эъзозлайдилар, нафас олса эшитгулик ҳолатда кўп минг кишилик залда жим ўтириб тинглашади. Бу санъатнинг нақадар ноёблигини минг бора таъкидлайдилар. Янаям айтаверсам, « томогингизда микрофон борми?» деб, очиги, қарашан ҳам... Улар ўзбек санъаткорларини

ям завкли, майин таралиб туриб минг бир созлар оҳангини, симфоник оркестр шиддатини берар экан-а бу яқна асбоб мўъжизанинг ўзи-ку!» — дея ҳайратланишган. Куй ва созлари, айтимлари ҳам ўзига хос, ўзлиги муносиб юртимиз бор-да! Истибод йиллари минг бир тазйиқлар аро ҳам кишилар қалбиде миллий руҳ сақлини қолишида танбур, най наволари, миллий куй-қўшиқлар маънавий кўрган каби собитлик қилганини унутиб бўлмас, унутмас тарих, келажак... Бу мангу тарихий

Най навоси келар — буй тортар руҳинг, ўзи билур ўз созидан уйғоқлар. Юртинг хар боласи «миллатман» дейди, Дилға оқиб турса «Чўли ирок»лар...

Ўзбекистон давлат консерваториясининг санъаткорона қурилган янги биноси пойтахтимизда қад кўтарди ва муборак Наврўз кунларида фойдаланишга топширилди. Юртимизнинг турли гўшаларидан азиз авлодларимизнинг буюк истеъдод тўла қалблари шу муҳташам бинога — олий ўқув даргоҳига куй қанотида ошиқди. Шу-бҳасиз, бу талпинаётган талантлар — Турғун Алиматовлар юртимизни юртимизни дунёга танитаман деб турибди. Тангри бу Ватан фарзандларини ҳамisha ило-

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Халқ артисти Муножот Йўлчиева ЮНЕСКО залида қўшиқ ижро қилмоқда.



Ўзбекистон Халқ артисти Гавхар Матқубова.

ликнинг илҳом олами турфа. Шу жиҳатдан бошқа халқларнинг куй-қўшиқларини чинакам ижро қила биллишқлик ёки уларча куйлаш ҳам талантнинг бир қирраси, кишини ҳаваслантиради. Хатто дилға гурур беради — «юртдошларимиз шундай куйла олади», дея қувонасиз (бунга мисоллар талла). Уйлаб қоламан, маромига етказиб ўзбекча куйлаш, соз чалиш бу санъатнинг дунёни мафтун этган поёнсиз сирларини оҳангларига билиш ўнча-мунча талант соҳибига насиб этабот болакайга ўхшаб кетар. Бу «болакай» хар қанча «тўполон-шўхликлар» қилмасин, дунёвий ҳазиналар сирли қалитини унга ўйинчоқликка узатмайди, сирлиликка туради, жаҳоир қалбчи соҳибини кутади. Балки у қайсибир кишлоқда ариқ бўйларида чоққиллаб куйлаб юргандир,



нинг ана шундай ижроларига мушток, санъатимиз ҳақидаги тасавурури авжлар каби юксак, ТАЊБУР НАВОСИДАН КЎШИГИМИЗДАН ТАНИЙДИЛАР БИЗНИ!.. «Тарихингизда дунёни лол қолдирган даҳо аждодларингиздай ўхшаши йўқ санъатингизнинг ҳам», дейдилар. Турғун Алиматов ижросида бир куйини тинглаб, «қандай сеҳрли соз бу, куй шунча-

хий илҳом сийловида турар, юксак иқтидор ато этар, қалбига ақиқ жаҳоирлар сочар. Асрасак, қадрласак, фахр этсак арзир! Изласак, дунёни куйга тўлдириб акс сано берад бу жаҳоирлар жананги, жаҳон бе-зағига айланар жилолари. Дилором КЎЗИЖОН

Мутлоа ва қарашлар

Халигача инсониятни ўйлантириб келётган мафкуралар адовати, диний ва миллий низолар кишилик тарихида ҳам турли кўринишларда намоян бўлиб турган, аждодларимиз бошига не-не жаҳолат савдоларини келтирган. Боболар тинч-тотув яшаш имкониятига эга бўлиш, инсониятни борлиқда мангу сақлаб қолиш, одам эотини уруш баюларидан ҳос этиш фикрида жуда кўп маънавий изланишган, жаҳолатпарастлар билан юзма-юз келишган.

Айниқса, ҳозирда отом қуроллар, қолаверса, томилари киркила бошлаган террористик оқимларнинг хатари бутун одамзод ҳаётини зиркратиб турган пайда барча халқларнинг энг ибратли тарихий тажрибаларини тинчлик ишига сафарбар этиш янада ҳаётий заруратга айланди.

АВЛОДЛАР АDOVATЛАРДАН УСТУН

Пиримкул Қодировнинг «Авлодлар довоғи» асарини қайта-қайта ўқир эканман, муаллифнинг шу умуминсоний сафарбарликка бизнинг аждодларимиз орттирган тарихий тажрибадан озгина бўлса ҳам ҳисса қўшиш истаги борлигини хис қиламан. «Олдузли тунлар» романининг мантқиқий давоми сифатида яратилган бу тарихий романда «Олдузли тунлар»да акс эттирилган воқеаларнинг ақули, мафкуралар адовати, диний ва миллий низолар ёзувчининг объектив қарашлари билан бадиий талқин қилинади. Турли эпларни бир-бирига руҳан яқинлаштириш, авлодлар орасидаги низоини йўқотиш ва меҳру оқибатни мустаҳкамлаш гоилари катта тарихий манба орқали мўъассамланади. Романда Хиндистон билан мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларнинг чуқур тарихий илдизлари очилади. Уша даврларда Хиндистон Урта Осиёдан, Эрон, Афғонистон ва хатто Европалардан келган фозил кишиларни бағрига олган эди. Халқларимиз тарихининг лаяндайд бўлган нуқталарида ёрқин истеъдодлар етишиб чиқди.

Хинд доғишманди Бирбал, туркман шобири Байрамхон, асли араб бўлган Абулфазл, афғон саркардаси Азиз кўка, ражпуть жангчиси Ман Синглар Хумоюн ва Акбар билан бирга Хиндистонни юксалтириш йўлида истеъдод ва ғайратларини ишга соладилар. Аммо уша даврларда инсон руҳига ўрнашиб олган диний истибод, гарбда «инквизиция» номи билан фозил кишиларни оловда ёндириш, шарқда Улуғбекдек давлат бошлиқларини ҳам «кофир» деб қатл этириш жаҳолати «чинкимаган эди. Хиндистонда тугилиб ўсган ва уни ўзининг ватани деб билган Акбар мамлакатининг маърифатли, тараққипарвар кучларига таяниб, барча эплар ва эътиқодларини тенг деб эълон қилади. «Сулҳи кулл» — хар то-

монлама тинчлик сиёсатини бошлаб беради. Инсоният тақдирини учун энг муносиб, барчага мақбул бу гоянинг амал қилиши мамлакат ҳаётида кўп ижобий силжишларга боис бўлди. Асарда шундай муваффақиятларга эришган Акбарни ҳамма «дохий» деб улуғлашганини ўқиймиз. Албатта, Акбар ҳам, унинг отаси Хумоюн ҳам умр бўйи ички-ташқи зиддиятлар гирдобиде яшаган. Энг хатарли вазиятларда боғараз, ҳалол, меҳнатқаш халқ вақиллари уларни ҳимоя қилгани тарихий манбаларда битилган. Юрт подшоҳига бўлган бу самимий муносабат, сэдодат романда Низом, Салим, Лаъл Чанд, Мохим анага каби оддий кишилар образида бадиий талқин қилинади. Утмишда яшаб ўтган бир аллома одамлар ўз тақдирларини ўзлари яратдилар, лекин улар тарихини кўнгиллари тилагандай қилиб эмас, балки улар танимаган, аввалдан бор бўлган, ўтмишдан бевосита ўтган ва тайёр ҳолда берилган шароитларда бунёд қилдилар, деган эди.

Донишманднинг бу фикри алоҳида одамлар билан тарихий шароит ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро муносабатидеги диалектикани тушунишга ёрдам беради.

Одамлар ўз тарихларини яратётган пайтда олдиндан шаклланиб қолган ижтимоий тузум уларнинг тақдирини ўз тахирини киритишга улғурди. Жумладан, Хумоюннинг тақдирини кўнгли тиламаган томонларга бурилиб кетади. Акбарнинг болалик қисмати ҳам ота-онасининг бошига тушган кўргилиқлар туйғайли беҳад оғир кетади.

«Авлодлар довоғи» романида Фирдавсийнинг «Шохнома»сидаги тождор Захосий Морон ҳақидаги ривоят қаламга олинади. Ривоятдан маълумки, Зах-хож тахта чиққанда унинг икки елкасидан иккита очқуз илон ўсиб чиққан. Бу илонларнинг бири зўравонлик бўлса, бири — айғоқчилик, бири — тахтпарастлик бўлса, бири — худпарастликдир. Улар мудом қурбон талаб қиладилар. Байрамхондан кейин рожа Бирбал, Абулфазл Алломи ана шу илонларнинг қурбон тарзида кўрсатилди. Подшоҳ ўз елкасиде ил курган бу илонларга гоҳ қурбон бериб, гоҳ улар билан олишиб яшар эди.

«Авлодлар довоғи» — асллар китобини ўқиганингиз сари ундаги ҳаётий драмалар, фожиалар, қаҳрамонлар таъсирини яшайсиз, ёзувчининг маҳоратига, тафаккури ҳавотига, фантазиясига мугтаассир бўласиз. Савимли адибимиз Пиримкул Қодиров бу маънода

«Авлодлар довоғи» романида Фирдавсийнинг «Шохнома»сидаги тождор Захосий Морон ҳақидаги ривоят қаламга олинади. Ривоятдан маълумки, Зах-хож тахта чиққанда унинг икки елкасидан иккита очқуз илон ўсиб чиққан. Бу илонларнинг бири зўравонлик бўлса, бири — айғоқчилик, бири — тахтпарастлик бўлса, бири — худпарастликдир. Улар мудом қурбон талаб қиладилар. Байрамхондан кейин рожа Бирбал, Абулфазл Алломи ана шу илонларнинг қурбон тарзида кўрсатилди. Подшоҳ ўз елкасиде ил курган бу илонларга гоҳ қурбон бериб, гоҳ улар билан олишиб яшар эди.

«Авлодлар довоғи» — асллар китобини ўқиганингиз сари ундаги ҳаётий драмалар, фожиалар, қаҳрамонлар таъсирини яшайсиз, ёзувчининг маҳоратига, тафаккури ҳавотига, фантазиясига мугтаассир бўласиз. Савимли адибимиз Пиримкул Қодиров бу маънода

«Авлодлар довоғи» романида Фирдавсийнинг «Шохнома»сидаги тождор Захосий Морон ҳақидаги ривоят қаламга олинади. Ривоятдан маълумки, Зах-хож тахта чиққанда унинг икки елкасидан иккита очқуз илон ўсиб чиққан. Бу илонларнинг бири зўравонлик бўлса, бири — айғоқчилик, бири — тахтпарастлик бўлса, бири — худпарастликдир. Улар мудом қурбон талаб қиладилар. Байрамхондан кейин рожа Бирбал, Абулфазл Алломи ана шу илонларнинг қурбон тарзида кўрсатилди. Подшоҳ ўз елкасиде ил курган бу илонларга гоҳ қурбон бериб, гоҳ улар билан олишиб яшар эди.

«Авлодлар довоғи» — асллар китобини ўқиганингиз сари ундаги ҳаётий драмалар, фожиалар, қаҳрамонлар таъсирини яшайсиз, ёзувчининг маҳоратига, тафаккури ҳавотига, фантазиясига мугтаассир бўласиз. Савимли адибимиз Пиримкул Қодиров бу маънода

УЗРО

СЕНДАН БИЛСИНЛАР

Тўлиб турсанг лиммо-лим, қани, Хаёлот денгизи лиммо-лим. Тангри тутган қадим сувқасам, Нелар сени сипқормоқда жим?

Балки оҳ деб йўлбарслар руҳи, Изин излар қирғоқларингда. Тангаларин соғинса келар Ойбалиқлар жон деб барингда.

Мунча узок ухладик экан, Унгимдаги аччиқ тўпимсан, Икки дарё йиғлаб ўқирму Сен юз йиллик шўр кечмишимсан.

Куйдурасан, куйсан ўтлинг, Кўксинг ёқиб қўйдиг жажона. Езулқандан не қолур, ай сен Қолганим бир куюк пешона.

Анқоларга дўнди кушларинг, Сувар кетиб сабр қаринга. Дош беролмай туз қотган жоним Сўнги шернинг наъраларига...

Санга ошиқ кўнгишларга айт, Кўнглинг қўқдан топсинг өтсин. Оролим деб сўнг кўк билан бир Бошинг узра ёғилиб кетсин.

Бу кўна Туронга очилган Жаннат эшигидинг Оллонинг. Сувқосанча бўлмас қадри Урнингда бир денгиз тиллонинг.

Тўли бағринг узра балиқлар Ой нурида ўйин курсинлар. Уммон бўлмоқ надур юрт учун Буну мангу сендан билсинлар...

«мен ўз фантазиямдан кўра «тарих фантазиясига» яъни чиндан содир бўлган воқеаларга ва яшаб ўтган тарихий шахслар тақдирини кўпроқ асосландим», — дея камтарона фикр билдирди.

1856 йилда Добролюбов «Современник» журналинда «Акбар чинакам гениал шахслар қаторига қиради... У ахшилик қилиб яшашни, ўз шахсий манфаати ва эхтиросини умуминсоний меҳр хисларига бўйсундиришни муқаддас деб биларди...» деб ёзган эди.

Утган асрда ёзилган бу ноидр сўзлар фақат ўтмишга эмас, балки келажакка ҳам қарата айтилган. Айниқса, ҳозир турли эътиқодлар адовати тинмаган, шахсий манфаатлар ва ёмон эхтирослар одамзод ҳаётини тахликага солаётганда улғу аждодларнинг умуминсоний меҳроқибатни, инсониятнинг яшаш тарзини муқаддас деб билишга чорлагани бутунг дунёвий воқелиқларни олдиндан сезиб қилинган инсоний башоратдек туюлади.

Наргиза ОҚИЛОВА, УЗМУ аспиранти



ОРОЛДА ҚАНЧА СУВ БОР?

Орол денгизи Ўрта Осиёдаги энг катта суви шўр кўл ҳисобланади. Унинг умумий майдони (сувли-сув-сиз) 64,5 минг кв.км, диаметр узунлиги 428 км, ҳавзасининг майдони 690 минг кв.км. Утган асрнинг ўрталарида денгизнинг ўртача чуқурлиги 16,5 м бўлса, энг чуқуржойи 67 м бўлган.

Оролнинг суви хар 1 метр пасайганида кўл юзининг



5 фоизи қуруқликка айланаркан. Дейлик, 1974 йилда Оролнинг суви сатҳи 3 метр пасайган. Денгизнинг хозирги қирғоқ чизиги йиллар давомида жанубий саҳнадан 1987 йилгача 40-50 км, жанубий- шарқий қисмида 80-100 км ичкарига кечкиди. Мутахассисларнинг фикрича, суи камайиши шу йўсунда давом этаверса, 2010 йилларда денгиз иккита катта кўлга бўлиниши мумкин. Бу йилларда сувининг ўртача шўрлиги хар литрда 9,5 граммдан 26-28 граммгача кўтарилди. Маълумотларга кўра денгиз соҳилларидаги шўрқоқларда катта миқдорда туз мавжуд. (0-1 метр қалинликдаги бу тузлар хар гектар майдонда 6400-7000 тонна миқдоридир. 1961 йилга қадар денгизга Амударё ва Сирдарёдан йилгача ўрта ҳисобда 52 куб.км суи куйилган бўлса, 1971-1980 йилларда 16,1, 1981-1984 йилларда эса 4,2 куб. км суи куйилиб турди.

Лекин хозирги пайтгача суи куйилиши денгиз сувининг бўғлини даражасидан кам бўлиб қолмоқда.

Куйидаги кичик жадал Орол денгизининг қуриш даражаси ҳақида маълум тасаввур беради.

Амударёнинг узунлиги (бошланиш қисми Хиндикуш тоғларидан) 2540 км. Сурхондарёдан то Орол денгизигача 1200 км масофада унга бирор ирмок қўшилмайди. Ўрта оқими Каркидан (Туркменистондан) Хоразм худудидеги Питнакча, дарё ўзанининг ўртача кенглиги 1800 метр (суи тошганида 5000 метрга етиши мумкин), суи камайганида 500 метрга тушиб қолади. Тоғли қисмида дарёда оқим тезлиги секундига 4-6 м. Текислик жойларда бу рақам 2-3 метрни ташкил қилади. Амударёнинг куйи оқими дейилганда Туямўйиндан Орол денгизига қадар бўлган 100 км масофа тушунилади. Сирдарёнинг умумий узунлиги (бошланиш қисмидан) 3019 км. Норин ва Қорадарёнинг куйилиш жойидан Оролгача 2212 км. Фарғона водийсидан чиқиб еридан Чирчиқ дарёси куйилган жойга қадар Сирдарёнинг кенглиги 15 км.

1960 йилга қадар Орол денгизи дунёдаги йирик ички континентал ёпиқ суи ҳавзаларидан бири эди. 2000 йилга келиб денгиз суи сатҳининг умумий пасайиши 15 метрдан ошди.

Каримжон ТОЙЖОНОВ

Уруш йиллари отам ҳарбий хизматга кетиб боғимизнинг уч қават пахса деворлари нураб бошлаган. Учинчи қавати қариб шувдираб туриб бўлган, деворнинг кўп ерлари бизнинг бўйимиз баробар бўлиб қолган. Деворларни тузатдиган ҳеч ким йўқ. Баъзи йиллар феврал оёқлагандан бошлаб тинимсиз ёмғирлар ёғади. Осмоннинг таги тешилгандай ҳеч тўхтамайди. Кўёшни соғинамиз. Кўёш чикса, пахса деворларнинг тагида ўтириб биримиз олиб биримиз кўйиб чўпчаклар айтишамиз ёки маҳалламиз, қариндош-уруғларимиз ўртасидаги ахволларни ўз билганимизча сўйлашамиз. Пахса деворнинг юқори қавати нураб оқиб тагига туриб уюлиб ётади ва шу уюлган нураган тупроқ офтобда тез исийди ва унинг устида девор ёқалаб қатор тизилишиб ўтириб гаплашиб, хувиллаган боғларни томоша қилиш жуда соз ва бизга хуш ёқарди. Кўкларнинг булутлар орасидан қиздириб чиқадиган офтобда жонимиз исийди.

Дониёр, Асад, Эркин, Нажим, Ҳамидулла, Мансур, Собит ва мен боғимизнинг ярим нураган ана шу пахса деворига миниб олгандик.

Ховлимиздан йиғи товуши келарди. Эрта кўкларда пахсанинг усти шуволлаган, сал қимирласак деворнинг тупроғи пахта шувиллаб тўқиларди. Деворнинг баҳор офтобда қуриган, илик тупроғида ўтириш болаларга ёқарди. Баъзан бир жойда ўтириш жонимизга тегса, девор устида кўлларимизни ёзиб худди дор устида юргандек, югурардик, оёғимиз юмшоқ, тупроқда сирғалиб кетиб гавдамизни тўтолмай пахта қулардик ва яна сакраб деворга миниб бир-биримизни қувалардик.

Уйимиз йиғи овозига тўлган эди. Хали ўн саккизга тўлмаган акам касал бўлиб ўлган, узок-яқиндан келган қариндош-уруғ, қўни-қўшни хотин-халаж фарёд кўтариб йиғлашар, уларнинг қий-чув суронларига одам боласининг чидаши қийин эди.

Кейин-кейин етмишинчи йиллардан сўнграқимкин, одамлар азаларда босиб, вазмин мунграб йиғи-сигига ўрганишди. Урушдан пича кейинги йилларда одамлар хаддан зиёд ўртаниб, кўйиб, юрак-бағирларини чок қилиб, сочларини юлиб, ўзларини муштлаб тимдалаб йиғлашарди. Билмадим, турмуш қаттиқмиди, ё алам қучлими одамларда. Тобут кўтариладиганда ҳам яқин қариндош-уруғлар тобут олдиға туриб, сафланиб фарёд кўтариб боришарди. Кўчадан ким ўтмасин, югуриб келиб тобутга кирар, уни елкасига олиб анча ергача кўтаришиб борар, сўнг унинг елкасидан бошқа одам тобутни олар, эл-юрт шундай жам бўлиб ўликни ҳурматлаб мазорга кўйиб келарди.

Девор устида индамай мунгайиб ўтирар, кўзларимиз ёшларан, мен онамининг: «макбул, безозорим, болам» деган сиркираган овозини, мунграган сўзларини эшитар, қолган ялли йиғи-сиги қулогимга сурон бўлиб кирарди.

Издихом бўлиб турган ховлимиз биз ўтирган ердан бироз нарида, ўртада ёзда ўтириладиган бандан супа ва ёзги омонат ошона – ўчоқ-бошигина бор эди.

Онам ва бошқа хотинлар бошдан-оёқ қалин рўмолларга ўраниб

шиб, елкаларига бошларини кўйиб бўзлашар, ҳар ким ўзи билганча йиғи сўзини айтарди. Онамининг йиғлаётган ҳолдан тойиб қолаётгани кўриниб турар, унинг овози тобора хирқираб, бўғилиб чиқарди.

нохотшўракнинг мазаси келади. Амакиларимга ширмойпазлик отабобо мерос касб. Амакиларим бу хунарни ҳавосини хўп олишган. Ширмойларни писта кўмирни аланга олдириб, тандирни фақат гўзапоё ёки гўзапоё топилмай қол-

мони ўта мураккаб замон. Одамзод бундай мураккабашувда яна элик-олтмиш йил яшайди. Шу муддатда мураккабликларнинг чўққисига кўтарилади. Сўнг инсоният мураккаблик чўққисидан аста пастга тушади. Қадам-бақадам, қаричма-қарич, миллиметрлаб, дюймлаб. Ҳаво, ер, сув, ўтдан ортиқ соддалик йўқ. Улардан ортиқ мураккаблик ҳам йўқ. Ҳамма нарсалар уларнинг ўзаро таркибланиши, газларнинг портлаши, юлдузларнинг ҳосил бўлиши, ҳужайраларнинг тармоқланиши ва тирик организмларнинг турланиши... Содда яшаш – оқилликнинг ўзи. Одамзод барибир ўзининг содда ҳаётига қайтади.

Сув қайта оқмайди, кўнгли нима чечак тақмайди... Эндиликда хаёл чопонларнинг этакларини елкалардай шишириб, хилпиратиб ҳар ёқларга учеди. Баъзан қайси этакни тутишни билмайсиз...


Уша Рўзимухаммад амаки берган қизил ўн сўмлик менга жуда ёқар, уни чўнтагимда оҳиста шилдириб сийпалаб кўяр, унга яқинда келадиган ҳайит байрамида нималар олишимни ўйлар, мен билан боғнинг пахса девори устида қалдирғочлардай тизилишиб менинг дардимга ҳамдард бўлиб ўтирган ўртоқларимнинг ҳеч қачон тўтун чиқмайди. Шундай бир текис тоза алангада тандирга ёпил-



Рассом: Гулзор Султонова

Биз девор устида оёқларимизни осилтириб ўтирар, шундоққина рўп-рамизда тоқзор чўзилиб кетган, ишқомлар ҳовлига бориб туташар, тоқлар кеч кузакда устига тупроқ тортиб ерга қўмилганча ҳали очилмаган, дўнғалак-дўнғалак бўлиб ётишар, фақат йирик зангларнинг ост қисмигина офтобда селғий бошлаган, қовжи-

са, саксовул ўтин билан қиздириб жуда паст алангада пиширилади. Писта чиройили алангаси жуда тоза бўлади, заррача ҳам дуд ёки тўтун чиқармайди. Тандир ичи тиниқ алангачалар билан ёришиб туради. Худди юзлаб шамлар ёқиб кўйилгандай. Лекин шамлардан ҳам сизиб дуд чиқеди, тандир ичи-чи текис ёйилган, текис аланга олган писта кўмирдан эса ҳеч қачон тўтун чиқмайди. Шундай бир текис тоза алангада тандирга ёпил-



Иброҳим ҒАҒУРОВ

раган тупроқдан тирсаққа ўшаб яланғоч чиқиб турарди. Йиртилган, эскириб кетган кўйлак-камзулларимиздан кўпинча тирсақларимиз шундай яланғоч чиқиб турарди. Лекин ҳеч ким бунни уят ҳисобламас, уят қилиб биров-биронинг устидан кулмас, эди. Баъзан кўйлак-камзулларининг енгларини, ёқаларини қайта-қайта, неча қайталаб ямалас ҳам, яна барибир енгимиз ҳеч бутун бўлмас, яланғоч тирсақларимиз доим кўриниб турарди.

Оёқларимизда урушинг охириги йиллари чиққан елим қавуш, ҳеч биримиз ҳали ботинка киймаганмиз. Бу елим қовушлардан ёгин-сочини кўнлар дарров сув ўтиб кетеди, оёғимиз қоп-қора балчиққа беланамиз, кун совуқроқ бўлса, товоқларимиз, бармоқларимизнинг ораси ёрилиб кетеди, лой, сув текка ачишиб, зирқираб оғрийди. Лекин оёқларимиз қанча оғримасин, совотмасин, кўзимиз оғриқдан ёшланмасин, Қорасаройдаги мактабимизни бир кун ҳам тарк этмаймиз. Ўқиш менга жуда ажойиб бир нарсга бўлиб кўринади. Ҳар кун бир янги нарсани ўрганамиз. Урушдан оғир ярадор бўлиб келган Ҳайдарали ака кўлларини доскага базўр кўтариб турли ҳарфларнинг чиққиларини чизади. Баъзан совуқдан ва кучсизликдан кўлларни қалтираб бўрни тушириб юборарди. Болалардан кимдир югуриб бориб бўрни ердан олиб унинг кўлига тутқазади у яна қалтироқ кўллари билан харф чиқиб бизни олиббоға ўргатади. Чизиклар харфа, ҳарфлар сўзга айланади ва мен бунни яхши кўраман. Лекин ҳарфлардан қандай қилиб сўз ҳосил бўлади ҳеч бунинг сирини етолмайман, ҳарфлардан сўз яасам бундан кўп завқим келади.

Ток дўнғалақлари, ишқомлар орасида кузда чопилган йирик-йирик кесақли ер оралаб кишдан омон чиққан майсалар анча гуркираб қолган, боғ четидидаги тоғлар баргак чиқара бошлаган, маҳалламиз навроста қизчалари сочларига баргак улама қиладиган пайт келган эди.

Эрталаб менга раҳми келибми катта Рўзимухаммад амакиим шимининг чўнтақчасига солиб кўйган қип-қизил ўн сўмликни дамбада ушлаб кўяр, ўзимни жуда кўнгли тўқ, бадавлат сезардим. Ўртоқларимнинг биронтасида бундай қип-қизил чиройли ўн сўмлик кўнглим янада ўсарди. Рўзимухаммад амакиим Чорсудаги ўз растасида ширмой нон ёпади. Кичик амакиим Абдуҳаким – жуда чиройли кўркем одам – у киши ҳам Чорсуда акаларининг қаватида, фақат кўчанинг бу бетиде ширмой ёпади. Амакиларимнинг уйларида қачон борсак, уй тўла янги ёпилган, сўриларга ёйилиб кўйилган ширмой нонларни кўраман. Улар гоётда мазали. Одамнинг оғзида худди тухумдай эриб кетеди, улардан

дай мамнун сезар, жуда бадавлат пудлор эканимдан роҳатланардим. Фақат ҳовлимизда йиғи-сиги пешин яқинлашган сари авжга миниб, онамининг ушқ гавдаси тобора кичрайиб, овози тобора зирқираб бораётганидан юрагим ёмон сиқилар, нима қилишимни билмай, кўлимдан ҳеч нарсга келмаслигига ақлим етиб, қуруқ ишқомлар, тоқзорлар орасида кўк майсалар ичида қора тумшуги билан илдиз қавлаётган, ўтларни титкилаб ағдар-тўнтар қилаётган катта қора қаргадан кўзимни узмас эдим. Қаргага қараб ўтириб, унинг яхши юрломлаётгани, бир ердан иккинчи ерга ғайритабиий ёни билан ағдарилиб ўтаётгани диққатимни тортди.

Қарга бечора негадир қорамтир оёқларини босолмас, ердан оёқларига тиралиб кўтарила олмас, фақат қанотларини ёзиб гавдасини бир жойдан иккинчи жойга олар, ерга ёёб билан кўнмай ўқси аралаш қорни билан узала тушарди. Шунда ҳам, ўтларнинг тагини кучли тумшуги билан титкилашни кўймади. Чамаси қорни оч эди.

Қарга халиги алфозда уч-тўрт бир жойдан иккинчи жойга учиб кўнди. Унга жуда раҳмим келди. Бу аҳволда уни боғимизда қушларнинг инини титиб юрадиган катта сарик мушук тутиб олиши ва мажарлаб ёйиши ҳеч гап эмас. Сарик мушукнинг бу бечора каттақон қаргани ерга қандай булғалаб ётгани, унинг ичак-чавоқлари, кичкина юракчасини ағдариб ташлаётгани шундоқ кўз ўнгимга келди. Нима бўлдикин бу қарга бечорага? Оёқларига варрақларнинг иплари уралашиб, чалқашиб, юрломли қолдимикчи? Боғлардаги дарахтларнинг, пахса деворнинг ортидаги арик ёқалаб қатор экилган банд терақларнинг шоҳларида неча-неча варрақларнинг рангдор иплари чувалашиб ётарди. Баъзан бу иплар қушларнинг оёқларигага ўралиб қолади. Бир қора қалдирғочни кўрганман шундай илга илиниб қолиб, неча кун терақ тепасида патиралиб осилиб ётганини. Терақ жуда банд ва қалдирғоч осилиб қолган шоҳга ўтиб боришинг илоҳи йўқ эди. Қуш бечора терақда шу осилганча қолиб кетди. Анчагача бу қалдирғочга қарамай десам ҳам, кўзим боққа қикдим дегунча унга туша-верар ва кичкинагина юрагимда нимадир зирқираб кетарди. Унга қараб Чўкучанинг мулошишидаги кичкина ёнғоқли ҳовлида ўзини негадир ёнғоқча осиб кўйган орик йиғит кўз ўнгимга келарди. Эрталаб: «Ёнғоқли ҳовлида ўзини осиб кўйибди», деган гап тарқалганда маҳалламиздаги болалар билан Калқовуз кўпригидан ўтиб бориб ўша ҳовлини кўрқа-писа кўриб келган эдик. Секин-секин ҳаммамиз торгина ҳовлининг кичкина қий-шайган ночор эшигидан мўраладик. Ҳовлида одам сийрак, ёнғоқ

шоҳига осилган юқкагина гавдани эски чопон билан ўраб кўйилган эди. Дўхтир ва милиса келишини кўтишаётган экан. Бу йиғитни бир неча бор кўрганман. У бизнинг боғ кўнмиздан пастга мазор томонга баъзан ўтар, ранги кумдай оппоқ ва доим ерга қараб юрарди. Унинг уч-тўрт ой бурун онаси ўлган ва ўзи ҳовлида ёлғиз қолган, одамлар: «одамови», дейишарди. Жуда кўп сўзлар қатори «одамови» нима деганини ҳам билмас, тушунамас, бир хатарли ёмон нарсга бўлса керак, деб ўйлаб юрардим.

Паст томли қийшайган уй, тор ҳовли, ҳовлининг ҳаммаёғини ёнғоқ шоҳлари қоплаб ётар, улар ергача эгилиб тушган, юмуш қилаётганлар энкайиб юришар, бундай ҳовлида одам боласи қандай яшаш мумкинлигига сира ақлим етмас эди. Бу уйдан ҳеч кимнинг йиғи овози келмас, ҳеч ким ҳеч кимга кўймамас эди. Беш-ўн қари-қаранг ва олти-етти ўсмирлар бўлиб бечорани гўристонга кўйиб келишди. Улим туғилиш каби ноёб ҳодиса, уни эсламай илоҳ йўқ, эслаймиз, ўлим бир умр эсингиздан чиқмайди. Улимлар тушларингизда муҳрланиб қолади.

Лекин қарга... оёғи баногоҳ майиб бўлиб балки босолмаётгандир? Аста орқадан бориб қаргани таппа ушлаб, оёғига ўралиб қолган ипни олиб ташлаб, овоз учириб юборгим келди.

Пахса девордан ҳеч кимга ҳеч нарсга демай сакраб ишқом ичига тушдим-да, биқиниб, пусиб оҳиста қаргага яқинлашдим.

